



Абдурашид қори Баҳромов




18:40 / 14.03.2018 8160

“Зиёрат” рукнидаги туркум сұхбатларнинг навбатдаги сонида ўзбек қориларидан бири бўлмиш Абдурашид қори Баҳромовнинг уйларига ташриф буюрдик.



Абдурашид қори Баҳромов



ТАҚДИМ

Абдурашид қори Абдулмўмин қори ўғли Баҳромов 1953 йили Андижон шаҳрида туғилган. 1975-1979 йилларда Бухородаги Мир Араб мадрасасида таҳсил олган. 1979 йили Имом Бухорий номли Тошкент Олий Ислом маъҳади (институти)га ўқишига кириб, 1981 йили уни тамомлаган. 1979 йилдан шу маъҳадда мударрис, Тилла Шайх жомеъ масжида имом-хатиб бўлиб ишлаган. 1997 йилдан 2006 йилгача Ўзбекистон мусулмонлари идорасига раҳбарлик қилди. Бир неча китобларни арабчадан ўзбек тилига таржима қилган.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown






Image not found or type unknown





Абдурашид қори Абдулмўмин ўғли Баҳромов 1953 йилнинг 8 январида Андижон шаҳрида туғилган. Дастлабки диний таълимни у отаси Абдулмўмин қори мулла Баҳром ўғлидан олади. Бу инсон замонасасининг таниқли қориларидан бўлиб, Қуръони карим таълимини Андижондаги Жомеъ қориҳонасида, “Булбул қори” номи билан танилган Комил қоридан олганди. Абдулмўмин қори ҳатто жаҳон урушида қатнашиб, фронтда юрганида ҳам Қуръон тиловатини асло тарк этмаганини, ярадор бўлиб қоровуллик қилганида ҳар ҳафта Қуръони каримни тўла хатм қилганини кейинчалик сўзлаб юришган эди.

Абдурашид қори 1969 йили ўрта мактабни битириб, бирмунча вақт бир мактабда боғбон бўлиб ишлайди. 1971-1973 йилларда ҳарбий хизматни ўташга тўғри келади. У ҳам отасига ўхшаб, хизмат чоғида Қуръон каримни такрорлаб, ибодатини беками-қўст адо этишга ҳаракат қилган. Диний

илмларни ўрганишга катта иштиёқ уни 1975 йили Бухородаги Мир Араб мадрасасига ўқишига киришига сабаб бўлди. Мадрасада ўқиб юрган пайтидаёқ рамазон ойида Бухоронинг Хожа Таббанд масжида дўсти Раҳматуллоҳ қори Обидов билан Қуръон хатмида қатнашди.

У 1979 йили Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом маъҳадига (институтига) ўқишига кириб, 1981 йили уни муваффақиятли тамомлади. Унинг иқтидори, салоҳиятини кўрган устозлари уни маъҳад талабаларига Қуръон қироатидан дарс беришга қолдиришди. У маъҳадда сабоқ бериш билан бир пайтда Ҳасти Имом даҳасидаги Тилла Шайх масжида имом-хатиблик ҳам қилди.

1997 йилнинг май ойидан Абдурашид қори Баҳромов Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг раиси, муфтий сифатида иш бошлайди. Унинг бутун иқтидори, ташкилотчилик қобилияти ва сидқидил хизмати ана шу даврда айниқса яққол намоён бўлди. 1998 йили мамлакат раҳбарининг ташаббуси билан барпо этилган Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этади. Икки марта Саудия арабистони подшоҳининг таклифи билан Каъбаи муаззаманинг ичига кириб зиёрат қилишга мұяссар бўлди. У Марокаш, Миср ва Саудия Арабистонида ўtkazилган Қуръони карим ҳофизларининг мусобақаларида муваффақиятли қатнашиб, Ислом оламида ватанимиз қориларининг обру ва нуфузи ортишига ҳиссасини қўшди. Муфтий Саудия Арабистони, Миср, Қувайт, Марокаш, Туркия, АҚШ каби мамлакатларда бўлган Ислом илмий-амалий анжуманларидан ҳам иштирок этиб, уларда мусулмон уммати олдида турган долзарб вазифалар хусусида маърузалар билан чиқди.

Абдурашид қори Баҳромовнинг муфтийлик даври мамлакатимиз учун ғоят мураккаб бўлган диний, ижтимоий жабҳалардаги муаммолар пўртanasига тўғри келиб қолди. Чет эллардан дин ниқоби остида кириб келган турли тоифалар мамлакатдаги ижимоий-сиёсий вазиятни чигаллаштириш, ҳалқимиз бирдамлигига раҳна солиш, мусулмонларни ҳақ йўлдан оздиришда ғаразли фикр-ғояларни тарқатиш билан тинчлик ва осойишталикка халал бера бошлашди. Ана шу гуруҳларнинг фитнаси туфайли 1999 йили Тошкент шаҳрида, орадан икки йил ўтиб Тошкент вилоятининг турли ҳудудларида, 2004 йили Бухоро вилоятида, бир йилдан сўнг Андижон шаҳрида қўпорувчилик ва тартибсизликлар келиб чиқди. Ана шундай таҳликали кунларда Абдурашид қори Баҳромов биринчилардан бўлиб воқеа етиб борди, имомлар билан биргаликда ҳалқимизни огоҳликка чақирди, панду насиҳатлар қилди.

Абдурашид қори Баҳромов илмий-ижодий жабҳада ҳам баракали меҳнат қилди. Унинг қаламига мансуб ўнлаб мақолалар Ўзбекистон мусулмонлар идораси хузурида чиқиб турган “Хидоят” журнали, “Ислом нури” газетасида босилиб чиқди. Бундан ташқари, у мазҳаббошимиз Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг бир неча асарларини арабчадан ўзбек тилига ҳам таржима қилган. Абдурашид қорининг зурриётларидан ҳам ўзи орзу қилганидай Қуръон ҳофизлари ва омиллари етишиб чиқди ва улар ҳозирги кунда дин хизматида самарали фаолият олиб боришяпти.

Абдурашид қори Баҳромов 2011 йилнинг 26 октябрида вафот этди. Жанозасини Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари шайх Абдулазиз Мансур ўқиди. Марҳум Тошкентдаги Ғойибота қабристонига дафн этилган.

Аҳмад МУҲАММАД